Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 24 июнь • Пайшанба • № 72 (14100) ترکستان ❋ TURKİSTAN Нархи 10 сўм.

«ЭЛФ» ЯНГИ «ҚОРА ОЛТИН» МАМЛАКАТИНИ КАШФ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар дунё ишбилармонлари, давлат ва хусусий компанияларнинг, қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя сарфлаб, биз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни истовчилар сони кундан-кунга ортиб бораётир. Франциянинг «Элф-акитен» компанияси шулардан биридир. Компания вакили, машҳур ишбилармон Эндрю Гельфи жаноблари юртимизда икки марта бўлди. «Эльф-акитен» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида нефть қазиб олиш, шакар ва фармацевтика заводлари ҳамда ҳашаматли меҳмонхоналар қуриш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғисида шартномалар имзоланди.

Францияда чиқадиган «ВСД» ҳафталик журналининг шу йил 21 апрель сонида мазкур ҳамкорликка бағишланган мақола босилиб чиқди. Унда айрим мунозарали ўринлар ҳам йўқ эмас.

Қуйида мазкур мақоланинг таржимаси жузъий қисқартишлар билан эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

«Ўзбек нефтидан бизнинг моторларимизгача»

«Элф» амриқоликлардан олдин Ўзбекистон ер ости бойликларига етиб борди. У ерда Ўрта Шарқ мамлакатларидагина нефть мавжуд.

Адвокат, ишбилармон ва миллиардчи бой Роберт Страус 8—10 ой муқаддам, АҚШнинг Москвадаги элчиси лавозимига тайинланганидан кейин бироз ўтгач бундай деб тан олди: ёшим 25да бўлиб, чўнтагимда 100 минг доллар пулим бўлганда эди ўз маблағимни айни шу жойга сарфлаган бўлардим. Собиқ СССР таваккал қила оладиган ишбилармонлар учун янги олтин конига айланади.

Роберт Страус «Элф акитен» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси битим имзолашининг шоҳиди бўлган, бу битимга Ўзбекистон Республикаси номидан Президент Каримов имзо чеккан эди. Битимга мувофиқ француз компанияси шу минтақадаги катта нефть конларини ишлатиш мажбуриятини олди. Бу ерда, Орол денгизининг шарқида, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон чегаралари туташган жойда беҳисоб нефть заҳиралари бор. Биз МДҲ ҳудудида Ўрта Шарқдагига нисбатан ҳам кўпроқ нефть борлигини биламиз. Шу минтақадаги нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар яқин йиллар ичида Араб Амирликларининг тараққиёт даражасига етиб олиши мумкин.

Россия ва Қозоғистонда танилган француз компанияси энди Ўзбекистон томонига назар ташламоқда. Амриқонинг «Фибро» ва «Тэксако» деган икки компанияси ҳам шу қаторда турибди.

Шоҳидларнинг айтишларича, «Тексако» вакиллари доллар тўла чамадонлари билан Тошкентга боришди. Улар битим тузишни хоҳлайдилар.

Лекин «Фибро» ва «Элф» компаниялари ҳам пайт пойлаб турибди.

Шу ўйинда собиқ СССРни яхши биладиган ишбилармон француз — Эндрю Гельфи таъсир ўтказди. У бутун дунёдаги давлатларнинг раҳбарлари ҳамда бу давлатларнинг вакиллари билан Лозанна шаҳрида жойлашган халқаро олимпиада қўмитасидаги имтиёзли муносабатларга асос солган.

Э. Гельфи Тошкентга қўнишни биланоқ уни Президент И. Каримовга таништиришди ва шу дақиқаёқ улар ўртасида ҳамжиҳатлик вужудга келди. Улар иқтисодий тараққиёт ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида сўҳбатлашдилар. Э. Гельфи тез орада Ўзбекистон Президентининг шахсий маслаҳатчисига айланди.

Ўзбекистондаги француз сармоясига қандай кафолат берилади? Бу хусусда «Элф» француз ташқи савдо суғурта компанияси — кофасга муроожат қилди. Лекин бу компания Ўзбекистон жуда ёш мамлакат, у зарур кафолат бера олмайди, деб рад этди. Шунга қарамай Ўзбекистон ҳукумати кафолат тариқасида 300 тонна олтинни Швейцария банкига қўйди. Кўплаб олтин қазиб чиқараётган ёш республика хорижий сармоядорларни рағбатлантирмоқда. Ислом Каримов халқаро дипломатия майдонига чиқиш йўлларини изламоқда.

«Элф»» билан тузилган битим тараққиёт жараёнини олга силжитиш учун жуда мақбул ҳодисадир. Ислом Каримов Хельсинкида Миттеран билан учрашган, энди Парижда учрашишни орзу қилмоқда. Йил бошида Ўзбекистон делегациясини Шарль Паска қабул қилган эди. У Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш учун ўз департаментидаги барча корхоналарни жалб этишга ваъда қилмоқда.

Э. Гельфи тўртта уч юлдузли меҳмонхона ва қанд заводи қуришга ваъда берди. Беш ой давомида битим узил-кесил имзоланади. Келгуси йилдан эса маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади.

Жером ФРИТЕЛЬ.

Қаерда шундай боғча бор экан-ки, болалар у ерга қувонч билан қатнаса, дерсиз! Ҳақиқатан ҳам, республикамиздаги аксарият болалар боғчаларида шарт-шароитлар етарлича эмас, хоналарда тарбияланувчилар яйраб-яшнаб юролмайдилар, озиқ-овқат билан таъминланиш ҳам бир қадар...

Лекин Жиззах вилоятида шундай боғча бор эканки, уни бемалол ва қўрқмасдан ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. «Банд» қишлоғининг «Учқулоч» полиметаллар конига қарашли болалар боғчаси пойтахтдаги шундай муассасалардан ўтса ўтадики, лекин кам эмас.

Сиз ушбу суратда тарбиячи-ўқитувчи Раҳима Ҳамбарованинг боғча тарбияланувчиларига инглиз тилидан дарс ўтиб турган вақтини кўриб турибсиз.

Б. ТЎРАЕВ тасвирга туширган. (ЎзА).

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЙУЛИДА

Тўрткўл тумани марказлашган клуб муассасалари мажмуаси ташаббуси билан Тўрткўл шаҳри ташкил топган куннинг 120 йиллиги ҳамда республика мустақиллигининг икки йиллиги олдидан халқ оғзаки ижоди ва маънавиятини тиклаш мақсадида лапар ва ялла ижрочиларининг кўрик танлови ўтказилди. Танловда 11 нафар иқтидорли қизлар қатнашдилар. Ғолиблик Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори «Тарона» халқ ашула ва рақс ансамбли иштирокчиси Ойшахон Жабборовага насиб этди ва 7 минг пул мукофоти билан тақдирланди. Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги болалар боғчаси тарбиячиси Новвотхон Салаева, «Намуна» жамоа хўжалиги аъзоси Саида Султонова, «Тарона» ансамбли қатнашчиси Нигора Носирова, 3-сон мактаб ўқувчиси Гулзира Абдураимовалар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашиб, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар олишга муяссар бўлдилар.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган лапар ва яллачилар кечасига Тўрткўл темир-бетон ишлаб чиқариш заводи ҳомийлик қилди.

(Ўз мухбиримиз).



ОММАВИЙ ЮГУРИШ БАЙРАМИ

Кеча республикамизда биринчи марта оммавий югуриш куни ўтказилди. Бу сана Халқаро олимпиада қўмитаси қарорига биноан нишонланди. Келгуси йили ёзда Халқаро олимпиада қўмитаси юз ёшга тўлади. 1996 йилда эса яна бир сана — замонавий олимпиада ўйинларининг ўтказила бошлаганига юз йил тўлади.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида ҳам байрам ўзига хос нишонланди. Аҳҳор бўйида эрталабдан катта спорт тадбирларига старт берилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги бир нечта болалар боғчалари вакиллари Боғи Эрам боғига ташриф буюрдилар. Бу ерда югуриш куни ўтказилди. Сўнгра кичкинтойлар ўз концерт дастурларини томошабинлар қўкмига ҳавола этишди.

СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур ҳамда Мирзо Улуғбек туманларида ўтказилган оммавий югуриш кунидан лавҳалар акс этган.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳамад АМИН.

«ФОЖИА»ДАН ХАЙРИЯ

Ўтган йили «Ўзбекистон» нашриётида хоразмлик қаламкаш Эркин Зоҳидовнинг «Хоразм фожиаси» китоби кўп нусхада чоп қилинганди. Ўлка тарихига оид асар тезда сотилиб кетди ва муаллиф анча миқдорда қалам ҳақи олди ва бу пулга кўчма электрокардиограф харид қилиб, уни вилоят физиотерапия ва соғломлаштириш шифохонаси поликлиникасига совға қилди. Поликлиниканинг ҳудди шундай тиббиёт ускунаси эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра кўчма электрокардиографнинг ҳозирги рублда баҳоси 300000 дан ошади.

ЖУРНАЛИСТ ТАШАББУСИ

Қизириқ туман қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Жўра Эрсоатов хайрли ташаббус билан чиқди. У тумандаги касалманд болаларнинг рўйхатини олди. Шундан сўнг уларга ёрдам бериш чорасини кўрди. Айни пайтда Холиёр Менглиқ боев раҳбарлигидаги «Наврўз» санаторийсида 70 нафар бола саломатлигини тиклай бошлади. Бу йил ёз давомида 200 нафар шундай беморни қабул қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари Омон Тиловов директорлик қилаётган болалар оромгоҳида ҳам минглаб ўқувчилар ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Шу кунларда бу ерда 300 га яқин бола дам олаётир. Оромгоҳга ҳам, санаторийга ҳам йўлланмалар туман қишлоқ хўжалиги ва деҳқон саноати ходимлари касаба уюшмаси ҳисобидан бепул бериладиган бўлди.

Аввалари ёзги таътилга чиққан болалар бекорчиликдан нима қилишни билмай, баъзилари эгри йўлга кириб кетишарди. Мана эндиликда журналист ташаббуси туфайли минглаб болакайлар ҳам соғлиғини тикилашади, ҳам мириқиб дам олишади.

(Ўз мухбиримиз).

ҒУЗА ГУЛЛАДИ

Қоракўл туманининг «Зарафшон» жамоа хўжалиғидаги Олтибой Салимов бригадаси ғўзалари вилоятда биринчи бўлиб гулга кирди. О. Салимов 40 йилдирки пахтакор. Ҳар йили пахта тайёрлаш режасини биринчилар қаторида бажаради.

Олтибой акага вилоят ҳокими электрон соат совға қилди.

ШОДЛИК МАКТАБИ

ҲА, МАКТАБНИ ШОДЛИК МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН. БУГУН ШУНДАЙ ИМКОН ТУҒИЛДИ. ЭНДИ ҲАМ КУТСАК, КЕЙИН КЕЧ ҚОЛАМИЗ.

Сарлавҳаю, сарлавҳа остидаги сўзларни ўқиб, балки ажабланаётгандирсиз ҳам. Асло ажабланманг. Бу муштарийларни қизиқтириш учун журналистнинг навбатдаги ўйини эмас. Бор гап, бўладиган гапнинг индаллоси шу.

Мавзу кўриб турганингиздек, мактаб ҳақида, тўғрироғи, бошланғич мактаб ҳақидадир. Бу масала олдинроқ эмас, нега энди айнан ўқиш туғаб, ҳамма ёзги таътилда қандай дам олиш ҳақида юрган бир паллада кўтарилаётганига ҳайрон бўлманг. Агар билсангиз атайлаб шундай қилдик, атайлаб ўқиш туғашини кутдик.

Гап шундаки, биз қуйида сўз юритадиган мавзу бундан бир йилдан мўлроқ муддат илгари кўтарилган ва бу ҳақда айрим нашрларда фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, лекин бу фикр-мулоҳазаларга нуқта қўйиши мумкин бўлган қарорми, ёҳуд фармойишми қабул қилинмаётир. Агар қўл қовуштириб ўтираверсак, уч ойлик таътил ҳам кўз юмиб очгунимизча ўтиб кетади. Яна ўқиш бошланади. Нима, яна болаларимизни эскича ўқитайликми! Бугунги суҳбатдошимиз — бутун умрини болаларга бахш этган ажойиб инсон, педагогика фанлари доктори ва бу унвонни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё мамлакатларида биринчи бўлиб бошланғич таълим методикаси бўйича ёқлаб қўлга киритган заҳматкаш олим, Республика педагогика илмий-тадқиқот институти бошланғич таълим методикаси бўлими мудири Қумри АБДУЛЛАЕВАдир. Зеро, бугунги суҳбатимиз устоз ва у бошлиқ жамоа яратган бошланғич мактаб йўриқномаси ва шу йўриқнома атрофида бўлаётган гап-сўзлар ҳақида кечади.

— Қумри опа, сизни ҳаммамиз «Алифбо» муаллифларидан бири сифатида яхши биламиз. Лекин сиз бугун янги бир тизимга ўтишни таклиф қиляпсиз. Шу мақсад йўлида дастурни ҳам, дарсликларни ҳам, ўқув режасини ҳам янгиламоқчи бўлиб турибсиз. Бундай ҳаракатнинг боиси нимада!

— Зайниддинжон, давр ўсиб келаётган авлодни ўқитиш, уларга тарбия беришни умуминсоний қадриятларни унутмаган ҳолда миллий урф-одатларимиз руҳига мос равишда олиб боришни тақозо этмоқда. Афсуски, биз шу вақтгача марказнинг топшириқларини, кўрсатмаларини бажаришга мажбур эдик. Бундан олдин тузилган, ҳозир мавжуд бўлган дастурларимизда ҳам уларнинг руҳи, уларнинг талаблари акс этган. Чунки барча нарсаларимизни улар қайтадан кўриб, тақриз қилиб, «камчиликлари»ни тузатиб, йўл-йўриқ бериб туришарди.

Мана, энди шукрки, ихтиёримиз ўзимизда бўлиб қолди. Ҳар соҳада хусусан, мактаб соҳасида ҳам ўзимизга хос, руҳимизга мос йўлдан бориш имкони туғилди. Бу шундай имконки, агар биз ундан тўғри фойдалана билсак, кела-жак авлод бизга қараганда ўн чандон билимлироқ бўлади, юз карра яхшироқ яшайди.

Бунинг учун нима қилиш керак? Жамоамиз, менинг назаримда, жуда тўғри йўл тутди — кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб, бошланғич синфлар дарс соатини қисқартиришни таклиф этди. Муҳими, бу қисқартириш кўр-кўрона бўлгани йўқ. Дастлабки хулосаларимиз натижаси ўлароқ мавжуд 9 та фанни мухтасар қилиб, уларни 4 та фанга мужассам этдик. Лекин бу 5 та фан бутунлай қисқартириб юборилди, дегани эмас. Улар асосий фанлар — она тили ва математика (биз уни кейинчалик ҳисоб таълими деб атадик) замирида ўтиладиган бўлди. Табиийки, биз ўз фикрларимизни асосламай туриб, уни бутун жумҳуриятга ёйиш тўғрисида ўйлай олмас эдик. Тошкент шаҳридаги 287-, 216-, 84- ва Тошкент вилоятининг Қибрай ноҳиясидаги 25-мактаб ўқитувчилари биз билан ҳамкорликда ишлашга розилик билдиришди. Улар 1992—93 ўқув йилида биз таклиф қилган тартибда дарс олиб боришди. Мана ҳозир ғалвирни сувдан кўтарадиган вақт келди. Илк таассуротлар ёмон эмас. Биз билан ҳамкорлик қилган ўқитувчилар ҳам, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам илгари сурган ғояларимиз истиқболига хизмат қилажагини мамнуният билан изҳор этмоқдалар.

— Сиз таклиф этаётган йўриқнома мавжуд йўриқномалардан нимаси билан фарқ қилади!

— Шу вақтгача, очиғини айтсам, ҳеч бунақа йўриқномалар билан ишлаган эмасмиз. Бирданига ўқув дастурлари ва режаларини тузардик-да, шу асосда дарсликларни яратаверар эдик. Шунинг учун бу ерда таққослаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фақат бир нарсани таъкидлаш мумкин: ҳозир яратилаётган ҳар хил йўриқномалар — хоҳ у халқ педагогикасидан бўлсин, хоҳ у физика ёки география фанидан бўлсин, улар биз бундан бир ярим йил муқаддам муҳокамага ташлаган йўриқнома асосида тузиляпти.

Эътибор қилган бўлсангиз, биз уни илгаригидек концепция, деб атамадик. Чунки концепция — барибир таржима талаб сўз, шу боис ҳам тўғридан-тўғри йўриқнома деб аётдик. Аммо, муҳими бу эмас. Муҳими шуки, йўриқномамиз гарчанд бошланғич таълим — 1—4 синфлар учун яратилган бўлса-да, унда 4-синфни битирган бола нималарни билиши керак, деган саволгагина эмас, балки 5- ва ундан кейинги синфларда фанлар қандай ўқитилиши лозим, деган саволларга ҳам жавоб топишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун бу йўриқнома амалиётчиларнинг ҳам, назариётчиларнинг ҳам дилидагиси бўлди, деб айтиш мумкин.

Нима учун дилидагиси бўлди, деяпман? Сир эмаски, биз шу пайтгача ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам ўз эркидан маҳрум қилиб қўйган эдик. Ўқитувчи учун дарс бериш оғир меҳнат бўлса, ўқувчи учун синфда ўтириш азоб-уқубатга айланганди. Нега? Шунинг учунки, барча нарса бир қолипда эди. Зерикарли эди. Мажбурий эди.

Мана, баҳолашни олиб кўрайлик. Кечагина ота-она бағридан юлқиниб мактабга келган 6—7 ёшли болага ўқиб келмагани, хунук ёзгани учун «ўтир, баҳойинг «икки», одам бўлмайсан!» деб турсак, унинг руҳи чўкиб, ўқишга бўлган ҳаваси сўнмайдими, ўзига бўлган ишончи йўқолмайдими? Боз устига бир дунё нарсаларни ўйга вазифа қилиб беришимиз-чи?!

Ҳа, биз болаларни қийнаб қўйдик. Сержаҳл, серзарда, ишёқмас қилиб қўйдик. Энг ёмони, ўзига бўлган ишончидан маҳрум этиб қўйдик. Биз таклиф этаётган йўриқнома ана шу юкдан болаларни халос этади. Чунки, бир қарашда ҳар қанча эриш туюлмасин, биз биринчи-иккинчи синфларда болаларга баҳо қўймоқчи эмасмиз. Ўзлаштириши яхши бўлган ўқувчиларни «баракалла», «кўп раҳмат» каби сўзлар билан рағбатлантирсак, ўзлаштира олмаётган ва лоқайд ўқувчиларни суюб-эркалаб, яхши гапириб йўлга солмоқчимиз. Бир сўз билан айтганда, болаларнинг ўзига бўлган ишончини орттириш орқали мақсадга эришишни қаттиқ туриб таклиф этяпмиз. Ишонч бўлса, болалар ҳам эркин нафас олиб ўқийди-да.

Мен ҳозир бир нарсани айтай, хулосасини ўзингиз чиқаринг. Май ойининг ўрталарида неварам «ўқишим тамом бўпти, ҳафтанинг охирида ўқитувчимиз дарсликларимизни йиғиб олар экан», деб келиб қолди. Қизиқиб, «болалар нима дейишди», деб саволга тутсам, урре, деб ҳаммалари хурсанд бўлиб кетишди, деб жавоб қилди; бу гапни эшитиб, агар билсангиз, уялиблар кетдим. Демак, ишимизда бир нуқсон борки, болалар ўқув йили тамом бўлишини ва китоблар йиғиб олинишини зориқиб, орзиқиб кутишади.

Нега энди биз болаларга ёқмайдиган, уларни қийнайдиган, ихлосини қайтарадиган нарсаларни тавсия этиб, зўрлаб ўқитишимиз керак? Келаси ўқув йилидан биз тавсия этаётган йўриқнома асосида таълим-тарбия ишлари йўлга қўйиладиган бўлса ва муаллимларимиз болаларда фанларга, ўқишга қизиқиш уйғота олсалар, ўйлайманки, болалар ўқиш тугаганини эшитиб, ур-ре, демайдилар. Аксинча, «вой, энг қизиқ нарсалар тугабди-да, энди биз таътилга чиқар эканмиз-да», дея ачинсинлар деган ниятларим бор.

— Яқинда Москва телевидениесида бир педагог чиқиб, 1-синф ўқувчилари ўртасида сўров ўтказишганини, «нимадан қўрқасизлар!» деган саволга улар «зилзиладан, уруш-дан ва... ўқитувчидан» деб жавоб қилганликларини гапирди. Аслида ўқувчилар ўқитувчиларни севиши керак эмасми!

— Албатта. Агар ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида муҳаббат ришталари бўлмаса, бирор нарсага умид боғлаш қийин. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўқитувчи, айниқса бошланғич синф ўқитувчиси шундай сиймоки, баъзан ўқувчи ота-онасидан сир тутган гапларини ишониб унга айтади, маслаҳат сўрайди, йўл-йўриқ оладди. Ўқувчиси қалбига йўл топа билган ўқитувчи чарчамайди, синфга худди ўз уйига келгандек қувониб кириб, қувониб чиқади.

Йўриқномамизда ўқитувчиларга қўйилган талабларни ҳамма ҳам уддалай олмайди. Бизнингча, бу талабларни ўқитувчи ариза кўтариб мактабга келганда эмас, балки у талабликка қабул қилинаётган вақтдаёқ қўйиш керак. Бошланғич синф ўқитувчиси мусиқадан хабардор бўлиши, расм чиза олиши, рақс санъатини эгаллаган бўлиши, яхши шеър ёдлай олиши лозим. Кириш имтиҳонлари чоғида ана шу талабларни бажаролмаса, бунақаларга келаси йил келишни таклиф этиш, келгуси йили ҳам уддасидан чиқолмаганлар билан эса бутунлай хайр-хўш қилган маъқул. Шундагина болалар тақдири тасодифий қўлларга тушиб қолмайди.

Афсуски, ҳозир ишлаб турган бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳаммаси ҳам юқоридаги талаблар даражасида малакага эга деб айтолмайман. Мисол келтир десангиз, истаганча мисол келтиришим мумкин. Ҳаммадан ҳам истаган одам бошланғич синф ўқитувчиси бўлиши мумкин, деган тушунча пайдо бўлганига куяман. Бошқа шаҳарларни билмадиму, икки йил муқаддам Тошкентда хўжалик ҳисобидаги курслар очилди. Шу дамгача бошқа соҳаларда ишлаб келган кишилар — журналистлар, иқтисодчилар ва шунга ўхшаш касб эгаларини 90 соат ўқитиб, «бор, энди сен бошланғич синф ўқитувчисисан» деб чиқариб юборишди. Айниқса, улар орасида аёллар кўп эди. Мен улар билан учрашиб, бошланғич синф ўқитувчиси қандай ҳислатларга эга бўлишини тушунтиргач, «90 соат ўқиган билан болаларга қандоқ қилиб тўрт йил таълим берасизлар? Шундай оғир юкни қандай қилиб зиммангизга олдингизлар?!» деб сўрадим. Улар ўйланиб қолишди.

Билмадим, улар бориб ўқитган синфларда натижа қандай экан? Бу мени қайғуртиради, қизиқтиради ҳам. Жонларим ачишиб, қовурғаларим қайишиб кетади, шуларни ўйлаганимда.

Қолаверса, бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаётган олий ўқув юртлари дастурларини ҳам мутлақо ўзгартириб юбориш лозим. Модомики, биз келгуси йилдан янги йўриқнома асосида болаларни ўқитадиган бўлсак, ўқитувчиларнинг тайёргарлиги ҳам шунга мос келиши керак. Акс ҳолда мақсадга эриша олмаймиз.

— Қумри опа, биласизки, ҳеч нарса ўз-ўзидан туғилмайди. Ҳаммасига бир туртки сабаб бўлади. Бошланғич таълим йўриқномасини яратиш фикри сизда қачон пайдо бўлган эди!

— Болаларга енгиллик туғдириш, мактабни шодлик масканига айлантириш тўғрисида кўпдан ўйлаб юрардим. Лекин бунга шу вақтгача имкон бўлмаган. Иттифоқ талабларидан чиқиб кетиб, ўзимча бир нарсаларни яратганимда, дакки ҳам еганман. Эсингизда бўлса, 1975 йилда олти ёшлиларни ўқитинглар, деган топшириқ келган эди марказдан. Фақат бизнинг жумҳурият, хусусан мен ишлаётган жамоа бунга қарши чиққан. Йўқ, кўп болали оилалардан иборат ўлкада дарҳол бундай қилиб бўлмайди, деган фикрни айтганмиз ўшанда.

...Лекин марказнинг буйруғини икки қилиб бўлмасди. 1986 йилдан олти ёшлилар синфларни жорий этилди. Инсон фарзанди экан, ўқиб кетишди. Лекин у ўзини тўла оқлай олмади. Шароит яратилмаса, бу тартибда ўқитиб бўлмаслигини кўпчилик тушуниб етди. Охир оқибатда биз ундан воз кечдик.

Кўпдан бери бошланғич таълим Оврупо мамлакатларида қандай экан, деган саволга жавоб излардим. Ниҳоят, омадим чопиб, 1987 йили Македония республикасида (собиқ Югославия таркибига кирувчи ўлка) бўлиб қайтдим. Уша ерда кўрдимки, бошланғич таълим биздагига қараганда анча яхши йўлга қўйилган экан. Очиқ ҳавода, табиат қўйнида ўтказилаётган дарсларни кузатиб, ҳавасландим. Иқлими ҳам, урф-одатлари ҳам (бу ерда асосан турклар яшайди) бизникига ўхшаш бўлса, нима учун биз дарсларни табиат қўйнида ўтолмаймиз, деган фикр уйғонди.

(Давоми 3-бетда).



Нима учун ўзбекнинг нони хуштаъм бўлади! Нима учун ўзбек нонининг таърифи дунёга машҳур! Нима учун нон бу қадар азиз. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз!

Юқоридаги суратга эътибор беринг. Ана шу саволларга жавоб топгандек бўласиз. Негаки ўзбекнинг ушбу тандирлари ҳам Она замин бағридан, унинг муқаддас тупроғидан ясалади. Уни моҳир қўллар, юрак тафтлари ва меҳр муҳаббатлари билан обдон пиширадилар. Шундан ҳам бу тандирларда пишган ўзбекнинг нони таъмида шу қадар табаррук бир таъм бор-ки, уни жаҳон халқлари тан олмай иложлари йўқ...

Муҳаммад АМИН сурати.

ЖУМҲУРИЯТ ТОИФАСИДАГИ ҚАЛЛОБ

Буюк файласуф Монтескъе: «Қонунлар барчага баробар бўлиши керак», деб лутф қилган эди. Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноий ишлар бўйича ҳакамлик ҳайъати кўриб чиққан Министрлар Советининг собиқ Раиси, кейинчалик Вице-Президент Шукрулло Мирсаидовни айбловчи жиноий иш тафсилотларини ўрганар экансан, кўнгил таскин топади: ҳайрият, биз қураётган мустақил Ўзбекистон давлатида «Қонун — ҳаммага баробар», деган ақида қарор топмоқда. Ахир, авваллари майда кассавурлар, беш-ўн тийин топган дўкончилар қамаларди-ю, катта жиноятчилар, мансабдор ўғрилар қутулиб қоларди-да. Халқ ҳам: «Ўйнашмагин арбоб билан, сени урар ҳар боб билан!» — дея нафасини ичига ютиб ўз йўлига кетаверарди. Кеча бир неча вилоят раҳбарларининг кирдикорлари очилиб, иссиқ иш жойидан олиб ташланди. Бугун эса шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун деб билган жумҳурият тоифасидаги қаллоб, халқ хазинасига тушган ўғрининг иши кўрилди.

«Ун марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» дегандай, суд ҳукмига мурожаат қила қолайлик:

Шукрулло Мирсаидов юксак давлат лавозимларида — Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг Раиси, кейинчалик Вице-Президент бўлиб ишлаганда давлат арбобига берилган ўта масъулиятли ваколатлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузиб, жумҳуриятимиз ва халқимизнинг иқтисодий манфаатларига зиён етказган.

Мирсаидов сўраб-суриштирмай, хорижий давлат фуқароси бўлмиш қандайдир Шери Шоҳнавоз (ҳозир қидирувда) билан шубҳали муносабатлар ўрнатган. Хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзига бўйсунувчи ходимларига Шери Шоҳнавоз билан хорижий фирмаларга пахта етказиб бериш ҳақида шартномалар тузишга кўрсатмалар берган. Ҳолбуки, уларнинг тайинсиз ва тийинсиз эканлигини билган. Шери Шоҳнавоз (кейин аниқланишича, бу олғир Мирсаидовнинг москвалик яқин дўсти Паромоновнинг куёви экан) шартномани қўпол равишда бузганига қарамай, Ш. Мирсаидов республика мулки бўлган кўп миқдордаги пахта толасини хорижий фирмага жўнатаверишни талаб қилган, бу билан у давлатимизга катта миқдорда — 5 миллион 508 минг 500 доллар зарар етказган. Буни сўмга чақсак — 7 миллиард 160 миллион сўм бўлади!

Бундан ташқари, Ш. Мирсаидов хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, Тошкент шаҳар ижроқўми раҳбарларига навбатда турмаган қавму қариндошлари учун ер ажратишга топшириқ берган, бу билан у ижтимоий адолат принципларини қўпол равишда бузган. Во ажабо! Ахир, айнан ана шу конституциявий принципларни бузишдан ҳимоя қилиш Ш. Мирсаидов эгаллаб турган лавозим соҳибининг вазифасига кирарди. Қонунни «қозининг ўзи» бузса, додингни кимга айтасан?

Министрлар Советининг Раиси, кейинчалик Вице-Президент лавозимини эгаллаб турган Ш. Мирсаидов 1990—1991 йилларда Буюк Британия фуқароси, «АВТ интернейшнл» фирмаси вакили, сўнгра «АТУ Андрош Трейдинг СССР» фирмаси президенти Шери Шодат Шоҳнавоз билан оғиз-бурун ўпишган оғайни бўлиб, манфаатдорлик илинжида унга ҳомийлик қилиб келди, республика ташқи савдо ташкилотлари билан шартномалар тузиш ва уларни бажаришда «оталарча» паноҳ бўлди. Унинг мадади билан 1990 йил 25 октябрда Ш. Шоҳнавознинг «АВТ интернейшнл» фирмаси ва «Узглавлегснабсбыт»нинг «Тола» фирмаси ўртасида валютага 25 минг тонна пахта толаси сотиш ҳақида шартнома тузилди.

Ильичевск портидан хорижий фирма манзилига ҳужжатларига кўра 5 миллион 972 минг 878 долларлик 3,3 минг тонна пахта толаси жўнатилгач, Ш. Шоҳнавоз қолган қисмини олишдан бўйин товлаб, нархни яна 9—10 фоиз туширишни талаб қилди. «Ҳам бўйидан уради, ҳам энидан» дегани шу бўлса керакки, Шоҳнавоз ва Шукрулло Мирсаидовнинг бу «гардкам»идан Ўзбекистон пахта толаси нархи туширилгандан кўрилган зарардан ташқари анча миқдордаги хомашёни омборга жойлаш, портда сақлаш учун қўшимча харажатлар қилди, бу пуллар ҳам «қулоғини ушлаб» кетди.

Ш. Мирсаидов 1991 йил 16 мартда «АВТ интернейшнл»га хат йўллаб, шартнома бўйича тушадиган валютани Шведбанкка ўтказишни буюради. Аммо бу пулдан ҳам фойдаланиб қолишни ўйлаган қаллоб Шоҳнавоз «АТУ Андрош Трейдинг СССР» фирмасини тузиб, «президент» бўлиб олади ва оғайниси Ш. Мирсаидовга валютани бу ёққа ўтказишни таклиф қилади. Қаллоб учун эл-юрт манфаати, дин, виждон бегона деганларидек, Ш. Мирсаидов «Узглавлегснабсбыт»нинг эътирозига қарамай, қарорини ўзгартириб 11 апрелда ёзма равишда халқимизга тегишли валютани «Андрош Трейдинг СССР» фирмаси ҳисобига Венага ўтказиб юборади ва «Узглавлегснабсбыт»ни назорат вазифасидан соқит қилади. Назоратсизликдан фойдаланган «АВТ интернейшнл» фирмаси 5.972.878 доллар ўрнига 5.958.208 доллар ўтказади, бу 14 минг 690 доллар кам демакдир. Ш. Мирсаидов мадади билан Шоҳнавоз 12 июлда валютани 72 миллион шиллинг миқдорида «Альфа-лаваль» ҳисобига ўтказади. Мавжуд «доллар-шиллинг» курси бўйича бу «ўйинда» маккор Шоҳнавоз 96 минг 500 доллар уриб қолади. Бунинг устига, Ўзбекистон Республикасига тегишли маблағни «АВТ интернейшнл» ҳисобида ушлаб тургани учун банк 15 минг доллар қўшимча фойдани ўтказади. Ўзбекистонга тегишли бу маблағни ҳам хорижий фирма уриб қолади.

Ўзбекистон ҳукуматининг, унинг бошлиғи Ш. Мирсаидовнинг сабри тўлгандир, деб ўйларсиз! Э, воҳ! Ўзини нафақат жумҳуриятда, балки собиқ СССРда мана-ман «малакали иқтисодчи» ҳисоблаган «ҳотамтой» Бош вазир ҳали низом-фонди ҳақида, рўйхатга олингани тўғрисида маълумоти бўлмаган, мавжуд шартномаларни қўпол равишда бузган фирма билан янги шартномалар тузиш учун музокаралар олиб боради.

Шу ерда бошқа бир воқеани ҳам ошкор қилсак, эҳтимол, масала, анча ойдинлашса керак. Жиноий ишга жалб этилган ҳужжатларга кўра, айни шу вақтда «Инвариант» қўшма корхонаси ва Шери Шоҳнавоз Бош вазирнинг ўғли Шуҳрат Мирсаидовни Венада ўқитишга, иш ўрганишга юбориш ҳақида музокара олиб боради. «Инвариант» Совет—Америқо қўшма корхонаси ҳайъати 1991 йил 27 апрелдаги мажлисининг 6-рақамли қайдномасига кўра, республикадан «катта иқтидор эгаси» сифатида Шуҳрат Мирсаидов номзоди танлаб олинади. Орадан уч кун ўтар-ўтмас, 1991 йил 1 май (байрам)! куни Шукрулло Мирсаидовнинг тазйиқи остида «Интералоқа» фирмаси «Андрош Трейдинг СССР» фирмаси билан шошилинч равишда яна 20 минг тонна пахта толасини шунга баробар гўштга алмаштириш ҳақида Ўзбекистонга зарарли янги шартнома тузилди. Бу шартномада хорижий фирма берадиган гўштнинг миқдори ва манзили ҳам кўрсатилмаган, пахта толасининг нархи ҳам белгиланмаган. Буни наҳотки «кўрмаган» бўлсалар. Йўқ, кўз юмганлар. Бу «кўрлик» оқибатида хорижий фирма пахтани истаган баҳода сотиб, гўштни хоҳлаган нархда олиш имконига эга бўлган! Натижада, «жаноб» Шоҳнавоз шартномада кўзда тутилмаган фойдага ҳам эга бўлган. Унинг миқдорини фақат худо билади, қолаверса, «банда»ларидан — Ш. Мирсаидов ва Ш. Шоҳнавоз хабардор, холос.

АТУ фирмаси банк кафолати бермагани ва ўз мажбуриятини бажармагани учун «Узагроимпекс» раҳбарлари октябрь-декабрь ойларида Ильичевск портидан пахта толаси жўнатишни ман қиладилар. Аммо Ш. Мирсаидов 1991 йил 14 декабрда ташқи иқтисодий алоқалар вазирига тақиқни бекор қилишни буюради. Натижада халқимиз ҳар миқолига уч эгилиб терган пахта толасининг жами 7 минг 275,5 тоннаси «Андрош Трейдинг» фирмасига жўнатилади. Унинг баҳоси — 11 миллион 203 минг 400 доллардир. Бу пахта толаси эвазига хорижий фирма бор-йўғи 5 миллион 694 минг 900 долларлик гўшт беради, мана бир ярим йилдирки, 5 миллион 508 минг 500 доллардан дом-дарак йўқ. У ёқда эса собиқ «вазири калон»нинг ўғиллари Шуҳрат Мирсаидов ялло қилиб юрибдилар. Уни Венадаги Остерряйхише Лендербанкка иш ўрганишга юборган «Андрош Трейдинг» фирмаси шахсий харажатлар учун ўтган давр давомида Шуҳрат Мирсаидовнинг қўлига 72 минг шиллинг пул берган, у яшаган ва яшаётган уй ҳақи учун 170 минг шиллинг ўтказган, Шуҳратга инглиз тилини ўргатган «Берлиц» дарсхонасига 80 минг шиллинг тўлаган. Бу ҳам камлик қилгандай, эркатой ўғил шахсий харажатлари учун фирма кассасидан аммасининг чўнтагидан олгандек, ҳар ойда 8 минг шиллингдан олиб турган. 1992 йилда эса у ишга қабул қилинган. У ёнда ўғил —Шоҳнавоз паноҳида, бу ёнда — Шоҳнавоз Бош вазир Ш. Мирсаидов паноҳида. «Сиздан — угина, биздан — бугина» дегани шу бўлса керак. «Қайчи қудаларники»га ўхшаш бу ўйиндан халқимизнинг чўнтагига қурт тушди. Бугун қаллоб адолат қармоғига, қонун тўрига илинди.

Бу ёқда халқимиз пешонасидан тер қуйилиб, бели майишиб пахта толаси етиштиради, Бош вазир уни оғайнисига пуллаб, эвазига ўғлини Ўзбекистоннинг жазирама қуёшидан панада, гўзал маконларда ўйнатиб қўяди. Эй, чархи фалак! Яна бунга кўнгли тўлмай, «еб тўймаган ялаб тўймайди» деганларидек, қариндош-уруғларни ҳам уй-жойлик қилиб қўйиш пайига тушади.

Унинг кўрсатмаси бўйича Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши ижроқўмининг 1990 йил 9 февраль 61/3-7 рақамли қарорига кўра республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Госплан раиси Ш. Мирсаидовнинг акаси Ҳабибга, қариндоши Ҳикматулло Раҳматуллаевга, акасининг хотини бўлмиш Шоҳиста Саидовага мавжуд қонуний ҳужжатларга хилоф равишда навбатсиз ер ажратиб беради. Айнан шу ижроқўм тасдиқлаган 1988 йил 23 ноябрдаги 558/23-17 рақамли хусусий уй-жой қурилиши ҳақидаги Низомнинг 2-бандига кўра, камида тўрт кишилик оила ер олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳабиб Раҳматуллаев оиласида эса бор-йўғи уч киши бўлган. Бунинг устига, ўз уйлари бўлган. Наҳотки, «Бош вазир» уларининг уч кишилик оиласи бир уйга сиғмай қолиб, янги ерга муҳтож бўлсалар? Шу Низомнинг 7-бандига кўра, ижроқўм қарор чиқариши учун 7 хил ҳужжат лозим. Ҳолбуки, «хўжайин»нинг қариндошлари бу ҳужжатларни топширмаганлар. «Қонун биз учун эмас», деб ўйлашган бўлса керак.

Шукрулло Мирсаидов устидан бўлган суд бизга мустақиллик берган адолат тарозисини кўрсатди. Энг юксак лавозимда бўлганнинг ҳам қилган қаллобликлари изсиз кетмас экан. Қиғир иш қилса, «арбоб билан ҳам ўйнашиш» мумкин экан. Ҳақиқат бор экан. Ким бўлишидан ва қандай лавозимни эгаллашидан қатъи назар, бандасининг олдида эмас, қонун олдида ҳар бир қаллоб жавобгар ва «тиз чўкиш»га мажбурдир. Ушбу жиноий ишдан келиб чиқадиган яна бир хулоса шуки, Ўзбекистон давлати энди ўзига оёққа турмоқда, дунё билан савдо-сотиқ қилишга ўрганмоқда. Табиийки, асалнинг тевараги хира пашшалар айланганидай, халқимизнинг пахтаси, тиллоси атрофига хориждан келаётган ҳалол ишбилармонлар билан биргаликда товламачи, қўли кирлар ҳам ўралашади. Биз ҳамкор танлашни билишимиз, керак бўлса, етти ўлчаб бир кесишимиз лозим. Токи, деҳқонларимиз, эрта баҳордан то кеч кузгача далада бойликлар икки-уч ўғрининг, «халқаро тоифадаги» қаллобларнинг насибасига айланмасин. Бунинг учун ҳамма иш халқнинг кўзи олдида бўлса, жамоатчилик назорати ўрнатилса, мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 3-бетда).

Шу — СОНГА ХАБАР

САҲОВАТ КЎРСАТИБ

Самарқанддаги ёғоч, тахта, ёнилғи савдоси омбори ишчи-хизматчилари фарзандлари таълим олаётган мактаб ва боғчаларини жорий таъмирлашга кўмаклашмоқда. Улар ана шу мақсадда 3 минг 900 квадрат метр ҳажмдаги дераза ойналарини ҳадя этди.

Шунингдек, мазкур меҳнат жамоаси оталиғидаги 10-болалар уйига 2 миллион, «Динамо» футбол жамоасига 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам берди. 53-ўрта мактаб биноси қурилишига эса 15 миллион сўм пул ажратишга қарор қилинди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкентда «Олмония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги» семинари бўлиб ўтди. Семинарда Олмония иқтисодий тадқиқот институтининг олимлари доктор Остеркам ва доктор Клеберлар маърузалар қилди.

Ушбу семинар Олмония Иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги ва Олмония техникавий ҳамкорлик жамиятининг, Ўзбекистон Марказий Банки ҳамда Тошкент Молия институти томонидан ташкил этилган бўлиб, мана иккинчи йилдирки фаолият кўрсатяпти. 1992 йил декабрь ойида ҳам Мюнхен шаҳрида Германия Иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги ва Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг таклифига биноан Тошкент Молия институтининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Мурод Шарифхўжаев раҳбарлигидаги 11 кишилик делегация Олмонияда икки ҳафта бўлиб, ижодий учрашувлар бўлган эди. Мазкур учрашув ҳам ана шу эзгу ниятлар билан бошланган катта ишнинг давомидир.

Олмониялик олимлар ўз мамлакатидаги «Банк иши», «Пул», «Кредит ва банклар назарияси», «Пул ва кредит орқали пул муомаласини тартибга солиш», «Банкларни бошқариш» тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Беш кун давом этган семинарда дунё банклари ишларининг илғор тажрибаларини Республикамизда жорий этиш йўллари белгиланди.

Мусоқул УСМОНОВ,

ШВЕЙЦАРИЯ ТЕХНИКАСИ ЎРНАТИЛДИ

Бухоро дон маҳсулотлари комбинатида Швейцариянинг «Бьюльер» фирмаси асбоб-ускуналари ўрнатилди. Натижада корхонанинг меҳнат унумдорлиги ошиб, ҳар кеча-кундузда мўлжалдагидан 15 тонна кўп буғдой унга айлантирилмоқда.

ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Шофиркон туманида таниқли драматург Шароф Бошбеков асари асосида «Шариф ва Мариф» деб номланган кинокомедияни суратга олиш тугалланмоқда. Бош ролларни Наби Раҳимов, Бахтиёр Ихтиёров, Дилором Қамбарова каби таниқли актёрлар ижро этяпти.

Пардозчилар кўриги

Шу йилнинг 25 июнь куни Тошкентда сартарошларнинг XII республика касб-кор маҳорат кўриги бўлиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, бу тадбир тармоқ ходимларининг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида амалга ошираётган ишларининггина эмас, балки бугунгидай мураккаб иқтисодий вазиятда ҳам нималарга қодир эканликларининг ўзига хос синовига айланиши кутилмоқда.

Инсоннинг энг аввало, қалби гўзал бўлмоғи керак. Аммо бу гўзаллик унинг ташқи гўзаллиги билан уйғунлашса, нур устига аъло нур. Айнан ана шу жиҳатлар маиший хизмат кўрсатиш ходимларидан, айниқса, сартарошлардан катта масъулият ва маҳоратни талаб этади. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилаётган мазкур соҳа усталари бу борада халқимизнинг оғирини енгил қилишда катта бой тажриба тўпланганлигини ҳам айтиб ўтдик. Афсуски, айнан мазкур хизмат борасида олиб борилаётган ишлар сифати ҳозирги кун талабларига жавоб бера олмаётганини очиқ-ойдин тан олмоғимиз керак.

Бу йилги кўрикда мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида, вилоятларида бўлиб ўтган худди шундай беллашувларда ғолиб чиққан 70 нафар уста иштирок этиши кутилмоқда. Кўрикка ташриф буюрган томошабинлар ва муҳлислар, саҳоқатли мижозлар кимнинг қўли гул эканлигини, қайси уста ўз мижозига нисбатан ёқимлироқ муносабатда бўла олишини солиштириб кўриш имкониятига эга бўладилар. Худди ана шу жиҳат ҳам қатнашчилардан нақадар зийракроқ бўлишни, рақиблар маҳоратига «дош» бера олишлик учун барча тажрибаларни ишга солишларини талаб этади. Талабчан ҳайъат аъзолари эса иштирокчилар қобилиятига адолатли баҳо берадилар.

Кейинги вақт ичида тармоқ муассасалари мамлакатимиз аҳолисининг хилма-хил маиший хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини яна да тўлароқ қондириш борасида муайян тадбирлар мажмуини ишлаб чиқмоқда. Бу эса маиший хизмат корхоналаридан барча имкониятларни ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этади.

Биргина шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида тармоқда аҳолига 1,8 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу белгиланганидан анча кўпдир. Бундан ташқари қўшимча равишда 144 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди ва аҳолига сотилди. Барча хизматлар ичида энг оммавийроғи бу — сартарошлик хизматидир. Республикамизда ҳозирда 5 мингдан зиёд сартарошхоналар ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган 17 минг нафардан зиёд усталар халқимизга 60 турдаги хизмат кўрсатишмоқда. Ана шу касб усталарининг маҳоратини кўришни истасангиз, «Узгипротехбыт» илмгоҳи мажлислар залига (1 Май кўчаси, 1-уй) келинг.

И. КОГАН,
А. МИНГУЛОВ.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

ХИТОЙДА ИЛМИЙ СИМПОЗИУМ

ПЕКИН. Ўтган чоршанба куни бўлган илмий симпозиум чоғида Хитой билан мусулмон давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг тарихий жиҳатлари ва бугунги ҳолати юзасидан фикрлашиб олинди. Анжуманда Хитойнинг таниқли олимлари, ишбилармонларнинг вакиллари, хорижий дипломатлар қатнашди.

Хитой мутахассисларининг таъкидлашича, ХХРнинг мусулмон давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари қамровини кенгайтиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Чунки ҳар иккала томоннинг бугунги шарт-шароитлари ва ечимини кутаётган муаммоларида ўхшашликлар кўп. Аҳолиси 700 миллион кишига яқинлашиб қолган Ислом давлатлари ҳам Хитой сингари бутун саъй-ҳаракатини иқтисодий тараққиётга эришишга қаратмоқда.

АҲОЛИ ҚАМАЙИБ КЕТМОҚДА

ВИЛЬНЮС. Литва статистика маҳкамасининг маълумотларига қараганда, — деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири, — 1 май кунигача олинган ҳисобларга кўра республика аҳолиси 3 миллион 746 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сони йил бошидагига нисбатан салкам беш минг кишига камайган.

Бунинг бош сабаби республикада туғилишга нисбатан ўлимнинг кўпайганидир. Бу ерда сўнги тўрт ой ичида 2580 киши дунёдан кўз юмган бўлса, бор-йўғи 1970 нафар чақалоқ туғилган.

Статистика маҳкамаси аҳоли сони камайишининг яна бир сабаби никоҳдан ўтаётган ва ажралаётганлар миқдори тенглашиб қолганлигида, деб қайд этади.

(ЎзА).

«БОШ ШТАБ» ТУЗИШ ЗАРУРАТИ

ЛОНДОН. РАТА—ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд БМТнинг тинчликпарвар ҳаракатлари фаоллигини, минтақавий низоларни бартараф этиш сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида «бош штаб» тузишни таклиф этади.

Д. Хэрднинг таъкидлашича, юқори малакали мутахассисларни ўзида жамлайдиган мазкур штаб БМТнинг ўзига хос «асаб маркази»га айланиши керак. Унинг вазифаси турли мамлакатлардаги низоларни бартараф этишда тинчликни сақлаш кучларидан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЧИЛДИ

ТОКИО. Пномпенда Камбоджага шошилинч ёрдам кўрсатиш муаммолари бўйича халқаро конференция очилди. Икки кун давом этадиган анжуман ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган 10 та мамлакат — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Франция, шунингдек, Австралия, Германия, Индонезия, Таиланд ҳамда Япония вакиллари қатнашади.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ТИНЧЛИКНИ сақловчи халқаро кучларнинг сони 1993 йилда юз минг кишидан анча ошади. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида тарқатилган маълумотномасида шундай дейилган. Ҳозир БМТнинг 13 та аъмолида 60 минг фуқаро ва ҳарбий хизматчи қатнашмоқда. «БМТнинг Сомалидаги аъмоли муносабати билан бу рақам 90 мингдан ошиб кетади», дейилади ҳужжатда.

* * *

ХИТОЙ билан Болгария ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари кейинги йилларда муттасил ривожланди. ХХР давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэннинг Болгария Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, транспорт вазири Нейчо Неев билан бўлган музокараларида шу фикр таъкидлаб ўтилди.

Тинч-тотув яшашнинг бешта қондаси асосида Хитой Болгария билан сиёсат, иқтисодиёт, савдо, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилади. «Жэньминь жибао» газетасининг ёзишича, музокараларда Болқондаги аҳвол ҳам муҳокама қилинган. Шу куни авиацияда юк ташиш ҳақида ҳукуматлараро битим имзоланди.

* * *

ХОРВАТИЯДАГИ серблар ўлкасининг аҳолиси 20—21 июндаги умумий овоз беришда фаол қатнашди ва ўз давлат тузилмасининг суверенитети ҳамда унинг Босниядаги серблар республикаси билан бирлашуви учун овоз берди. Ўлка сайлов комиссияси эълон қилган дастлабки норасмий якунлар шундан далолат беради.

* * *

БУЮК БРИТАНИЯ ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш тарафдоридир, деди мудофаа ишларини етказиб бериш давлат вазири Жонатан Эйткен.

Парламентнинг жамоалар палатасида ҳарбий ҳаражатлар юзасидан ўтказилган мунозара чоғида Ж. Эйткеннинг таъкидлашича, Буюк Британия ҳукумати шу мақсадга эришиш йўлларини АҚШ маъмурияти билан биргаликда аниқлаш учун музокара ўтказишни мўлжаллаб турибди.

* * *

ЯПОНИЯДА ҳозир ҳукм сураётган ҳукумат танглиги дунёдаги еттита етакчи саноат давлати раҳбарларининг Токио кенгашига кўрилаётган тайёргарликка салбий таъсир қилмайди. АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг мухбирлар билан суҳбатда айтишича, Америқо маъмурияти бу соҳада ўз олдига қўйган вазифаларни бажараверади.

* * *

ПОРТУГАЛИЯ, Россия ва АҚШ Анголадаги **УНИТА** гуруҳига қарши биргаликда ҳаракат қилиш хусусида 15 июлгача маслаҳатлашиб оладилар. Миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида тарқатилган Анголадаги вазиятга оид баёнотда айтилишича, уч мамлакат делегациялари сайловдан кейин Анголада бошланган танглиққа сиёсий йўл билангина чек қўйиш мумкинлигини таъкидладилар.

(ЎзА).

ДАНГ ОЛАМ

БИР ЖУФТ ТАНГА ЭВАЗИГА — 400 МИНГ ДОЛЛАР

● ЖАНУБИЙ Африкада яшовчи 56 ёшли Ричард Грин эндиги умрини невараси билан яллода ўтказмоқчи. Ҳатто ўзи ҳам «Мен энди ҳеч қачон ишга бормайман, балиқ овлайман ва неварам билан машғул бўламан» демоқда.

Унинг бу қарорга келишига сабаб ютуқли автомат ўйинида бир жуфт танга ташлаб, бир неча дақиқада 1,2 миллион ранд, яъни 400 минг долларга эга бўлди. Ричарднинг ҳисобкитоби бўйича, агар шу пулларнинг барчасини банкка қўйса, ойига 3 минг доллардан фойда оларкан.

МАРИЯ-ГЛОРИЯГА ЁҚИБ ҚОЛДИ

● ФРАНЦИЯЛИК Жером Совиньи Гибралтар бўғозидан сузиб ўтишга қарор қилди ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Ваҳоланки, унинг сузиб ўтган жойи бўғознинг торайган қисми бўлиб, яъни икки соҳил оралиғи 17 километрни ташкил этиб, сув оқими жуда тез эди. Бироқ гап сув оқимининг тезлигида ҳам эмас, бошқа ёқда. Совиньи белига олти ёшли қизи — Мария-Глорияни миндириб олган ҳолда, маррани забт этди. Қўрқинчли-а? Бирок, Мария-Глория 6 ёш бўлишига қарамай, яхши суза олади.

Умуман бўғоздан сузиб ўтиш 3 соатда муваффақиятли якунланди. Шунинг учун бўлса керак, Мария-Глория яна бир марта сузиб ўтиш истагини билдирмоқда, деб хабар беради Британиянинг «Гардиан» газетаси.

РУЛДА АРАБЛАРМИ, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

● САУДИЯ Арабистонида яшовчи социологлар Яқин Шарқ, Европа ва америқолик ҳайдовчилар ўртасида тадқиқот ўтказишди. Маълум бўлишича, энг тартибсиз ҳайдовчилар араблар экан.

Миср да чиқадиган «Октобр» журналида ёзилишича, йўл белгиларига ҳайдовчиларнинг амал қилиш-қилмаслиги тадқиқотга асос қилиб олинган. Шундай қилиб, Ар-Риёд, Қоҳира, Ал-Кувайт, Абу-Даби ва Касабланка шаҳрилик ҳайдовчилар энг қоидабузарлар бўлиб чиқди. Яъни бу шаҳарларда ўтган йилнинг охирги 5 ойида 44 минг йўл ҳодисаси содир бўлган. Иккинчи ўринда вашингтонлик ҳайдовчилар — 41 минг ҳодиса содир этишган. Римликларда кўрсаткич 38 минг, мадридликларда эса 33 мингни ташкил этади.

Халқ таълими: муаммо ва ечимлар

ШОДЛИК МАКТАБИ

(Бошы 1-бетда)

Ўзбекистонга қайтгандан сўнг мулоҳазаларимни тегишли ташкилотларга айтдим. Лекин уларга маъқул бўлмади. Македонияда эса, айни илик узилди маҳалда — март-апрель ойларида бошланғич синф ўқувчиларини хушманзара жойларга — тоғларга, ўрмонларга, адирларга олиб кетишади. Худди биздаги пионер лагерларига ўхшаш махсус пансионатлар болалар ихтиёрига берилиб, икки ой мобайнида улар ҳам табиат билан танишиб, тўйиб нафас олиб, ҳам ўша ерда дарсларини давом эттиришади. Соғлиқларини тиклаган болаларни апрель ойининг охирларида мактабга қайтариб олиб келишади. Худди биздагидек май ичи ҳам ўқитишиб, сўнгра таътилга чиқариб юборишади. Лекин уларда ёзда биздагидек пионер лагерлари бўлмайди...

Ундан кейин яна шунақа бир имкон бўлиб, Париждан фарзандларим — қизим Доимохон, куёвим Мақсуджонлардан «келинглар» деган чақириқ қоғози келиб қолди. Улар 1987 йилдан бери Францияда муқаввир бўлиб ишлашади. Шартнома билан кетишган.

Дарвоқе, мен ўз қизимни олти ёшлиларга мўлжаллаб «Алифбе» тузаётган вақтимда «кашф этганман». У ўшанда Беньков номли билим юртида таҳсил оларди. Ғояларимни тушунтиргандим, ўзбек эмасми, ўзбек хонадони турмуш тарзини яхши билгани учун мен нима истаётганимни сўзсиз тушуниб етиб, шундай суратлар чизиб бердики... Мақтаяпти, деб ўйламангу, танлов вақтида шу талабанинг меҳнатини юқори баҳолашди. Ваҳоланки, бу танловда катта ёшли ва хизмат кўрсатган рус мусаввирлари ҳам қатнашган эдилар. Вой-вой, мен бу рассомларга ўз ғояларимни тушунтириш учун елиб-югурганларим. Тандирни тушунтириш учун, ўзбек хонадонидаги айвонни англатиш учун уларни уйма-ўй етаклаб юрганман. Лекин барибир ўзим ўйлагандек суратларни ололмаганман. «Алифбе»да эса сурат катта аҳамиятга эга. Энди ўқишни ўрганаётган бола аввало расмга қарайди. Расм яхши ва тушунарли бўлса, унинг остида турган бўғинми, товушми, ҳарфми, матнми — шунга қараб идрок этади.

Хуллас, Парижда икки ой бўлган бўлсам, мени энг қизиқтирган нарса, уларда бошланғич таълим қандай йўлга қўйилганлиги бўлди. Шу ерда қуйи синфларда алоҳида мактаб бўлиб шаклланганини кўрдим. Бундан йигирма йиллар муқаддам бир мактабда 1500—2000 ўқувчини ўқитиш, уларни бошқариш қийинлигини ҳамда ўқувчиларнинг ёшлари ўртасидаги тафовутни ҳисобга олиб, бошланғич синфларни алоҳида қиниш фикри туғилган экан.

Қарангки, ҳар бир кўчада битта бошланғич мактаб бор эди. Ҳар бирида 100—120 нафар бола ўқийди. Ўқиш — 4 йил. Фақат биздан фарқи шуки, ота-она боласини қайси ёшдан олиб келса — 3 ёшми, 7 ёшми — мактаб уларни қабул қилаверади. Бошланғич мактаб дастури ниҳоясига етгач, болалар ўрта мактабга ўтказилади.

Мактабнинг моддий ва маънавий томонлари билан ҳам қизикдим. 100—120 нафар бола ўқийдиган бу мактабга бир мудира раҳбарлик қилар экан. Котиба ҳам, хўжалик ишлари бошлиғи ҳам шу мудиранинг ўзи. Неварам шундай мактаблардан бирида ўқиган учун менга бу нарсаларни билиб олиш осон кечди. Ҳар куни уни (исми Тамила) етаклаб (балки эргашибдир), мактабга бораман денг. Кейин тушдан сўнг соат тўртда қайтариб олиб келаман. Атрофдагилардан сўраб-суриштираман — неварам таржимонлик қиладди. Ниҳоят, шу мактабнинг мудираси билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Ундан кўп нарсаларни — бу мактабда уйга вазифа берилмаслигини, таътиллари ҳам биздагидан кўпроқ эканини эшитдим.

Аввал Македонияда, сўнгра эса Францияда кўрганларим узоқ йиллардан бери ўйлаб юрган режаларимга бўлган ишончимни орттирди. Бошланғич мактаб бўйича янги йўриқномани ишлаш вақтида булар менга қўл келди, зарур ва бизнинг шароитимизга мос деб билганларимдан ўрни-ўрнида фойдаландим ҳам. Бугун биз бутун жумҳуриятга тавсия этаётган йўриқномада булар акс

— Лекин бу енгилликлар ота-оналар юкини маълум даражада мактаб зиммасига юклаб қўймайдими!

— Ёдингизда бўлса, биз бундан ўн йиллар муқаддам бутун дунёга жар солган мактаб ислоҳоти тўғрисидаги қарорда «мактабда бош фигура — ўқитувчи» дейилган эди. Энди биз бунга қўшимча тарзда «мактабда бош фигура — ўқувчи» деган ақидани ҳам сингдирмоқчи бўлиб турибмиз. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг-а, биз катталарнинг барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу ўқувчиларга яхшироқ билим бериш, уларни хушахлоқ ва соғлом қилиб тарбиялаш учун эмасми? Модомики шундай экан, нега энди биз ўз ниятларимизга тескари — зид ишлар қилайлик?! Ҳозир эса нима қилаяпмиз? Ҳар куни уйга дарс берамиз. Бола бечора зил-замбил юкни елкасига ортмоқлаб уйга қайтади. Унинг ўйнагиси, очиқ ҳавода бўлгиси келади. Бунинг устига уй вазифасини ўзи мустақил бажаролмайди. Айниқса, 1—2 синфларда. Шунинг учун ота-онасини пойлаб ўтиради. Ишдан ҳориб-чарчаб келган ота-оналарга бу ёқмайди кўпинча: улар ҳам аламдан чиқиш учун мактабни, ўқитувчиларни қоралай бошлашади. Айниқса, математика дарслиги мураккаб қилиб тузилган. Бу ҳам марказдан кўчирма олганимизнинг оқибати. Уни болалар тугул ҳатто унча-мунча

сини топган — 1—2 синфларда уйга вазифа берилмайди, таътиллар ҳам ҳозиргидек учта эмас, тўртта — ёздагиси билан ҳисоблганда бештага етган. Бу, бизнинг ўйлашимизча, ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам анча енгиллик туғдиради, уларни ҳар хил зўриқишлардан ҳоли қилади...

нарса — узайтирилган кун гуруҳларидан воз кечиш тўғрисида таклиф киритдик. Чунки у ўзини мутлақо оқламади. Мен бу гапларни педагог сифатида, тадқиқотчи сифатида ҳамма ерда айтишим мумкин.

Ерга урсанг, кўкка сакрайман, деб турган боланинг 9—10 соатлаб мактаб курсисида ўтиришини бир тасаввур қилинг-а. Бунинг устига тарбиячи уй вазифасини барча болаларга бир хилда ишлатади. Болаларнинг ҳар бирида ўзига хос қобилият борлиги эса унутилади. Доскага ёзилганини кўчириб олиш ўқув таълимига ҳам, педагогикага ҳам зиддир.

Шунинг учун йўриқномада уйга вазифа бермай бир қарашда ота-оналар юкини енгиллатган бўлсак ҳам, аслида боланинг мактабдан кейинги ҳаётини бутунлай ота-она, кўпроқ она зиммасига юкламоқдамиз. Чунки, биласизки, онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Тўғри, ҳозир оналаримиз ишлайдиган бўлиб кетишган. Ҳеч бир корхона тушликдан кейин ўз ходимига уйга кетишга рухсат бериб қўймайди. Иқтисод деганларидек, тартиб-интизом деганларидек, бу нарса уларга ёқмайди ҳам. Лекин келажакда бунга ҳам эришамиз, деб умид қиламан. Келажакда биз бой, бадавлат давлатга айланадиган бўлганимиздан кейин унга олиб борадиган кўприкни ҳозирдан қуришни ўйлашимиз керак. Болалар тарбияси ана шу кўприкнинг устунларидир.

— Бу ҳақда ҳамкасбларингиз нима дейишяпти! Мактабларда-чи! Юқоридагиларнинг фикри қандай!

— Йўриқномамиз бултур апрель ойида чоп этилган бўлсада, орадан ўтган нисба-

чи синф ўқувчисини ҳафтасига 24 соат ўқитардик. Йўриқномамизнинг хомаки қисмида уни ҳатто 16 соатга келтириш таклиф этилганди. Кўп мулоҳазалардан сўнг 17 соатда бир тўхтамга келдик. 2-, 4-синфларда ҳам дарс соатлари ана шу тартибда ихчамлаштирилди.

Таъкидлаш лозимки, бу таклифларимизни амалиётчилар қўш қўллаб, услубчилар ҳам бироз тузатишлар билан маъқуллашди. Юқоридагилар эса,.. бироз иккиланишяпти. Енгиллашган бошланғич таълим дастури бўйича ўқиган болаларга ўрта мактабнинг оғир юкини қўйсак, улар буни кўтара олармикан, деб савол ҳам қўйишди. Биз ўз фикрларимизни илмий асослаб бердик, бунинг устига юқори синфлар учун йўриқнома тайёрлашни ўз зиммасига олган ўртоқларимиз ўртада узилиш бўлишига йўл қўймайдилар, зеро бошланғич мактабни ўрта мактабга боғлайдиган йўлда ўнгирлар бўлмайди, деб умид билдирдик.

Яна биз қўйган ғояларнинг ичида шу пайтгача қаршиликка учраётгани, бу ўғил болалар билан қизларни ажратиб ўқитиш масаласидир. Кейинчалик биз бунга ҳам қаноат қилмай, ўғил болалар мактабини ва қизлар мактабини алоҳида қилиш тўғрисидаги фикрни илгари сурдик. Тўғри, бу бугун-эрта амалга ошадиган иш эмас. Лекин шу пайтдан режалаштирилса, ёмон бўлмасди. Ҳар қалай, қизлар билан ўғил болаларни ҳозиргидек қоришиқ ҳолда эмас, уларнинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутган ҳолда тарбияласак, деган ниятларимиз бор.

Биз шу пайтгача нима қилдик? Тенг ҳуқуқлилик исботи деб, қизларни икки километрга чоптирдик, керак бўлса-

бўлмаса, оғир машқларни бажартирдик. Ўғил болаларни эса дўппи тикиб, матога гул солишга мажбур қилдик. Ҳозир ҳам шундай. Нима учун ўғил болани жисмига монанд ишлар билан машғул этмаймиз? Менга қолса, ўғил болалар дастуридан кураш, пойга чопиш, чавандозлик, қиличбозлик, новвойлик, мисгарлик кўникмалари билан таништириш ўрин олиши лозим. Келажакда албатта новвой бўлсин, мисгар бўлсин, демайлик. Лекин эгаллаб қўйса, бир кун фойдаси тегади. Шу тариқа болаларда миришкорликни тарбиялаймиз. Улар яхши оила бошлиғи бўлади.

Ҳозир қаранг, ўғил болаларнинг оғзидан чиқадиган бемаъни сўзларни қизлардан ҳам эшитасиз. Тарбия жойида

эмаслиги учун ҳар қадамда қоқилишаётир. Бу — бизларнинг хатоимиз. Чунки биз уларга муомала маданияти, кийиниш маданияти, овқатланиш ва юриш-туриш маданиятини ўргатмаганмиз. Эндигина шаклланиш бошланган паллада уларнинг руҳига шу фазилатларни сингдира олганмизда эди, катта бўлгач бу нарсаларни қайтариб ўтиришимизга ҳожат қолмас эди.

Мана ҳозир 9-синфларда «Одобнома» дарси ўтиляпти. Бундоқ ўйлаб қарасангиз, ҳеч ақлга тўғри келмайди. Саккиз йил одоб билан шуғулланмаган бола 9-синфда «Одобнома»ни ўқиб, одобли бўлиб кетарканми? Гарчанд бизнинг дастурда одобнома учун алоҳида дарс ажратилмаган бўлса-да, ҳар бир предметимизда, ҳар бир фанимизда, ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизда болаларни одобахлоқ руҳида тарбиялаб, вояга етказиш мақсад қилиб қўйилган.

— Дунёда барчага бирдек ёқадиган нарсанинг ўзи бўлмайди. Бинобарин йўриқнома хусусида ҳам турли фикрлар билдирилиши табиий ҳолдир. Бу фикрларда йўриқномани тўлдирадиган ўринлар ҳам борми!

— Янгилик ҳеч қачон ҳаётга силлиқ тадбиқ этилмайди. Мен буни ҳаётимда жуда кўп кўрдим. Лоқайдликка дуч келмаганимдан, айниқса, хурсандман. Йўриқномамиз лойиҳаси газетада босилиб чиққандан кейин беш ярим мингдан зиёд хат келганини айтсам, ҳаммаси тушунарли бўлса керак. Одамлар жим туришмаяптими, демак, билингки, бунда нимадир бор.

Мана ҳозир болалар 6—7 та китобни орқалаб, мактабга боришади. Буларнинг ичида ортиқчалари ҳам кўп. Буни ўзимиз ҳам яхши ҳис қилар эдик. Шундай мазмундаги хатлар қўлимизга келиб тушгач, ҳақ эканлигимизга бўлган ишончимиз янада ортда. Мана, масалан, табиатшунослик дарсини олиб кўринг. Мавжуд дастурда уни теварак-атроф билан таништириш, деб таъриф берилади. Бунда болаларни очиқ ҳавога олиб чиқиш, об-ҳавони кузатиш, ҳайвонот олами билан яқиндан таништириш тушунилади, албатта. Лекин худди шунинг ўзи учун ҳам дарслик, ҳам қўлланма, ҳам кузатув дафтари ишланганига нима дейсиз? Ҳозир биз бундай ортиқча нарсаларни қисқартириш, қисқартиришнинг иложи бўлмаган ўринларда ихчамлаштириш йўлларини қидирмоқда миз.

Шунингдек, хат муаллифларидан айримлари ўғил болалар билан қизлар мактабини алоҳида қилиш учун бизда шарт-шароит йўқлигини, хусусан ўғил болалар мактабида дарс берадиган эркак ўқитувчилар республика бўйича 5 фоиздан ошмаслигини айтиб, уни шубҳа остига қўймоқчи бўлишади. Ҳақли эътироз: лекин олма пиш, оғзимга туш, деб ўтираверсак, ҳеч ким мушкулимизни осон қилиб бермайди. Авваламбор бундай мактаблар истиқбол режаси эканлигини таъкидлаган ҳолда, агар астойдил ҳоҳласак, ва бунинг учун моддий асос яратиб берилса, узоғи билан ўн йилда ниятларимизга эришишимиз мумкин.

Ҳозир, биласизки, зиёлиларга, хусусан ўқитувчиларга эътибор ортиб бормоқда. Президентимизнинг сўнгги фармонлари бу жараён бундан буён муттасиллик касб этишидан далолат бермоқда. Аслини олганда ҳам маорифга берилган эътибор — болаларга берилган эътибордир. Болаларни эса келажагимиз, деб бежиз айтмайдилар. Мен қатъий ишонаман: бошланғич синф ўқитувчиси бўламан деган йигитлар сони йил сайин ортаверади.

Унгача, менинг назаримда, бошланғич таълим ўқитувчиси бўлишни истаган йигитларга олий ўқув юртларида ҳеч иккиланмасдан имтиёзлар яратиш, танловларсиз қабулни йўлга қўйишни жиддий равишда ўйлаб кўриш зарурга ўхшаб қолди. Шу тариқа шарқ удумларини тиклаган, тиклаганда ҳам жуда олижаноб қилиб тиклаган бўлар эдик.

— Қумри опа, бугун сиз маҳкам туриб ҳимоя қилаётган йўриқноманинг келажаги борлигига ишонасизми! Бундай ишонч учун сизда қандай асослар бор!

— Жамоамиз билан қилган катта меҳнатимизнинг порлоқ истиқболини мен ҳозирдан кўраётгандек бўляпман. Йўриқнома асосидаги мактабларни «Шодлик мактаблари» деб атаётганимиз ҳам бежиз эмас. Бунинг боиси шуки, болаларимиз шу мактабларга келгандан кейин асло хафа бўлмасинлар, асло зада бўлмасинлар, ўқитувчидан қўрқмасинлар, унга иккинчи онам, иккинчи отам, деб ишониб қарасинлар...

Биз яратаётган китоблар эса, болаларга мос бўлсин, улар севиб қўлга оладиган даражага етсин, дарслик сарчашмасига айлансинки, кейинчалик болалар «бу китоблар муқаддасдир, шулар орқали одам бўлдик, шуларни ўқиб ҳаётни танидик, ўқишни ўргандик, ёзишни ўргандик», десинлар.

Менда ҳам, жамоамизда ҳам шундай ишонч бор. Бунинг учун албатта вақт ва ён-атрофдагилардан ёрдам керак бўлади. Агар шу нарсалар амалга ошса, йўриқномамизнинг келажаги порлоқ, деб қатъий ишонч билдириш мумкин.

Бундай ишонч учун менинг кўп асосларим бор. Энг катта асосим, бу Ўзбекистон деган шундай давлат борлиги ва у ўзининг мустақил йўлини танлаб олгани, қолаверса, бутун дунёга чиқмоқчи эканлиги ва тенглар ичра тенг бўлмоқчи эканлигидир. Шундай ниятларни истиқбол йўналиши қилиб олган мамлакат болаларидан — фуқароларининг фарзандларидан ҳеч нарсани аямайди. Бунга менинг имоним комил.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

АГАР менда ихтиёр бўлса эди, ҳеч бир иккиланмасдан Қумри опа Абдуллаевани истиқлолга эришган мамлакатимизнинг илк мукофоти — «Соғлом авлод учун» орденига тақдим этган бўлардим. Ва ўйлайманки, менинг бу фикримни минглаб ўқитувчилар, юз минглаб ота-оналар, миллионлаб ўқувчилар қўллаб-қувватлашган бўлур эди. Зеро, Қумри опа Абдуллаева бугун амалга ошириган иш бундай эҳтиромга лойиқдир. Мабодо бугун у тавсия этаётган йўриқномада ҳамма ҳам икки қўллаб қўшилиб кетолмайдиган ўринлар бўлса, бунинг ҳеч бир қўрқинчли жойи йўқ. Йўл-йўлакай, ўқув жараёнида тузатишлар киритиш мумкин. Энг муҳими, болаларни, ёши еттига кириб, ота-она бағридан илк бора узилиб кўчага чиққан кичкинтойлар руҳиятига мос ва миллий удумларимизга хос йўриқнома яратилди. Биз буни фақат табриклашимиз ва имкони борича қўллаб-қувватлашимиз керак.

Дарвоқе, йўриқнома билан бўлиб Қумри Абдуллаева айтган бир хабарни сизларга етказишни унутаёзибмиз.

— Жамоамиз билан янги миллий «Алифбе» яратдик, — дейди опа. — У илгариги — ҳар қанча тиришиб-тирмашсакда, барибир рус «Букварининг ҳиди келиб турадиган «Алифбе»дан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Ҳозир у қўлёзма ҳолида қўлимда турибди. Уни устоз, биринчи «Алифбе» ларимизнинг муаллифи Оқилхон Шарофитдинновнинг 100 йиллик таваллудларига бағишламоқчимиз. Ўйлайманки, ушбу китоб чоп этилгач, шу вақтгача «Алифбе»га бўлаётган ҳужумлар, таъна гаплар, камситишларга барҳам берилади.

Қумри опанинг сўзларини эшитиб, беихтиёр равишда камтарин ва заҳматкаш бу инсонга таъзим қилгим келди.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Жумҳурият тоифасидаги қаллоб

(Бошы 2-бетда).

Айримлар амалга минса, теваракда ҳеч кимни танимай қолади. Кўзи фақат ўз чўнтагини кўради. Янги костюм-шим кийганидан шодмон, гўё шу кийим уни ҳаммадан кўра ақлли қилиб юборгандай, юриш-туриши ўзгаради, димоғи кўтарилади.

Элда гап бор: «Мансаб — подшодан, мартаба оллоҳдан». Мансаби бор одамга мартаба ҳам берсин. Мансабга осон эришса бўлар, мартабага — ҳалоллик, ростгўйлик билан, кам сўзлаб, кўп иш қилиб эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аъзоси Р. Алимқулов раислигида ўтган суд Шукрулло Раҳматович Мирсаидовни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 149-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди ва унга жазони умумий режимдаги меҳнат-аҳлоқни тузатиш колониясида ўташ йўли билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш дея белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эълон этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан авф этиш ҳақида» фармонининг 2-бандига мувофиқ Ш. Мирсаидов жазодан озод қилинди. Ундан етказилган зарар — 5 миллион 634 минг 670 доллар ундириб олинадиган бўлди.

Уч ё беш тийин уриб қолган дўкондор гоҳо қаттиқ жазоланади. Собиқ Бош вазирга берилган жазо кимгадир енгил туюлар. Аммо у шафқатни тушуниб етармикан? Махатма Ганди айтганидек «Кечирмоқ — мардликдир, ожиз одам кечиролмайди. Авф этиш кучлилар фазилатидир».

Катта миқдордаги (йигирма икки миллионли халқ киссасидан) «киссавурлик»ни ўйлар экансан, жумҳурият, ҳатто «халқаро тоифа»даги қаллобнинг турланишларига боқар экансан, афандининг латифаси ёдга тушади: Насриддин қўшнисининг олмасини олиб қўйнига солса, қўшниси: «Ҳой, такси, нега бизнинг олмани ўмараяпсиз», дебди. «Ўйда ўтирсам, шамол кўтариб, сизнинг олмангиз тепасига келтириб ташлади», деб жавоб берибди афанди. Қўшниси: «Хўш, унда дарахтдан пастга тушинг, олмани олмангі» — деса, Насриддин «Хўш, сиз нега хотинингизга ковуш олиб бермайсиз», деб жавоб қилибди.

Қўшниси: «олма билан хотиннинг нима алоқаси бор?» — деса, афанди: «ҳей, гап кетидан гап келади-да», деган экан. Шунга ўхшаб собиқ Вице-Президент Ш. Мирсаидов ҳам ўзининг жиноий ишига сиёсий тус беришга бир неча марта уриниб кўрди. Энди у кечиримни тушунса, кошки. 22 миллионли халқнинг ҳақини йўқ қилган «Вице-Президент» яна «инсон ҳуқуқлари» ҳақида гап сотиб юрармиқан? Инсоннинг ҳақини еб, унга «ҳуқуқ» сўраб юриш қандай қовушади?

Ўйлаб қоласан киши: юксак лавозимнинг бўлса, қош-қовоғингга қараб турган ходимларинг бўлса, яна нима етмайди? Еганинг — олдингда, ёмаганинг — кетингда. Ш. Мирсаидовнинг тақдири бизга нафс балоси бўлиб кўринади. Донолар айтадиларки, пул ҳар нарсага қодир дейдиган одам, пул учун ҳамма нарсани қилишдан ҳам тоймайди. Инсон очкўз бўлса, унинг домига, оғзига ўз келажаги ҳам кириб кетар экан. Энг катта бойлик — кўзи тўқлиқдир. Оллоҳ бандасининг кўзини тўқ қилсинда...

Бир нарса аён — Ўзбекистон давлати бунёд бўлаётган масъулиятли, залворли кунларда ҳар бир фарзанд юртига қувват бўла билиши керак. Алишер Навойи «ватан таркини бир нафас айлама, яна ранжи ғурбат ҳавас айлама», деганлар. Бегона юрт ватан бўлмайди. Гарчанд унинг доллару шиллингларни қулоққа ёқиб шиқирласа-да... Ким ватанига тегишли бўлмаса, у инсониятга ҳам тегишли эмас.

Элдор ҲАҚГУЙ.

Туркистон бир, батан бир

ТУРКИСТОН ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

1993/94 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги бўлимларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

а) халқаро алоқалар;
б) халқаро иқтисодий алоқалар;
в) халқаро ҳуқуқ;
г) халқаро журналистика.

Университетга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Жаҳон иқтисоди ва Дипломатия Университетига талабалар қабул қилиш ҳақида»ги махсус Низом асосида қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Абитуриентлар учун консультациялар 25 июндан 14 июлгача ўтказилади.

Университетда ўқиш учун ҳақ тўлаш махсус Низомга биноан амалга оширилади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (Изоҳ: аттестатида ўртача бали 4 дан кам бўлган абитуриентлар ҳужжатлари қабул қилинмайди).
3. 3х4 см сурат (6 дона).
4. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга муносабат тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
5. Турар жойидаги тиббий муассасалардан олинадиган;
а) 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
б) шифокор-руҳшунос (психиатр) маълумотномаси;
в) шифокор-нарколог маълумотномаси;
г) шифокор-фтизиатр маълумотномаси;
д) таҳлил қилинган электрокардиограмма.

Абитуриентларни Университетга қабул қилиш 2 босқичда ўтказилади:
I босқич тест синовлари 16 июлдан 22 июлгача;
II босқич тест синовлари 31 июлда.

I босқич ижодий имтиҳондан иборат бўлиб, у ижтимоий-сиёсий ва халқаро мавзулар, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича давлат, рус, ва инглиз (немис, француз) тилларида тест саволларига жавоб беришдан иборат бўлади.

II босқич тест синовлари қуйидаги предмет блоклари бўйича ўтказилади.

Халқаро алоқалар — чет тили (инглиз, немис, француз), ижтимоий билимлар, она тили (ўзбек, қорақалпоқ, рус)

Халқаро иқтисодий алоқалар — чет тили (инглиз, немис, француз), математика, она тили (ўзбек, қорақалпоқ, рус).

Халқаро ҳуқуқ — чет тили (инглиз, немис, француз), ижтимоий билимлар, она тили (ўзбек, қорақалпоқ, рус)

Халқаро журналистика — чет тили (инглиз, немис, француз), ижтимоий билимлар, она тили (ўзбек, қорақалпоқ, рус).

Олинадиган тестларнинг мазмуни ўрта умумтаълим мактаб дастурига тўла мувофиқ равишда белгиланади.

I босқич тест синовларида иштирок этган абитуриентлар II босқич тест синовларига киритилмайди.

Абитуриентни Университетга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат комиссияси томонидан барча тест синовлари натижасида олинган баллар йиғиндиси ҳамда абитуриент билан Университет орасида тузилган шартнома ва ўқув ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи молиявий ҳужжат асосида қабул қилинади.

Университетга ташқи давлатлар фуқароларини қабул қилиш контракт-шартнома асосида амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700137, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 54-уй, 2-ўқув биноси.
Маълумот учун телефон: 67-08-60, 67-07-30.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Туркистон» газетаси таҳририяти «Ўзбекинтур» республика ташқи иқтисодий бирлашмаси бош директори, собиқ ёшлар етакчиси И. Латиповга онаси

ФОТИМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Гулхан», «Ғунча» ойномалари жамоаси, Ўзбекистон Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамғармаси Кенгаши Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, ёшларнинг жонкуяр устози

ШУҲРАТ (Ғулом Алимов)нинг

вафоти муносабати билан раҳматлик адиб хонадони аъзоларига ҳамдардлик таъзияси билдиради ва уларга сабри жамил тилайди.

● АМРИҚО Қўшма Штатлари мудофаа вазирлиги Туркия 50 та самолёт сотиб олиш ниятида эканлигини конгрессга маълум қилди. Пентагоннинг оммавий ахборот воситалари учун тарқатган баёнотида айтилишича, бу ҳарбий техниканинг сотилиши Туркиянинг Шимолий Атлантика блоки олдидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини кучайтиради ва айни пайтда Амриқо Қўшма Штатларининг миллий хавфсизлигини ва ташқи сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

● АМРИҚОЛИК қурувчилар Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида барча қулайликларга эга бўлган 200 та коттеж ва 50 ўринли меҳмонхона қуриб беришади. Бу борада вилоят маъмурияти билан Амриқонинг «Атстек—Талан никорпорейтед» концерни ўзаро шартнома имзоладилар.

● ТОЖИКИСТОННИНГ «Ховар» ахборот маҳкамаси ҳукумат дастурини тарқатди. Унда миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш, тиклаш ва юксалтириш чора-тадбирлари белгиланган. Барқарорлаштириш даври деб аталган биринчи босқич 1993—1995 йилларни ўз ичига олади.

● РОССИЯ ўқув юртларида иш ҳақи вақтида тўланмаслиги ва ҳукумат иш ҳақини оширши юзасидан олган мажбуриятини бажармаётгани сабабли кескин вазият вужудга келди. Муаммони муҳокама қилиш учун ва уни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш учун Россия ректорлари уюшмаси навбатдан ташқари фавқулоддa съездга тўпланмоқда.

Келгуси сонда:

● ЭЛ МУЛКИ — МУҚАДДАС

● ҲАР КИМ ЎЗИГА ИШОНСИН

Газета саҳифаланаётганда:

ОГОҲЛАНТИРГАНГА ҚУНМАДИ

1993 йил 17 июнь куни соат 22.30 лар чамаси. Фарғона вилоятининг Қирғизистон республикасига чегарадош Қувасой шаҳри постида хизмат вазифасини бажараётган милиция сержанти Қаҳрамон Мусинов ва шериги Алижон Холбўтаевлар ҳар бир транспорт воситаси ва фуқароларни синчковлик билан назорат қилишаётган эди. Шу маҳал постга Қувасой шаҳрида яшовчи 1960 йилда туғилган, муқаддам судланиб, 7 йил озодликдан маҳрум этилган Баҳодир Ҳотамқулов ўзининг 3 нафар ҳамтовоқлари билан кайфи тарақ ҳолатда келишади.

Ҳотамқулов ўч олмоқчи бўлади. Улар сержант ва шеригини қўққисдан дўппослай кетишди. Қаҳрамон Мусинов осмонга қарата олти марта огоҳлантирувчи ўқ узди. Сўнгги 7-ўқ Баҳодир Ҳотамқуловга теккач, унинг шериклари жуфтакни ростлаб қолишди. Жароҳат олган жиноятчи пост хизматчилари томонидан шаҳар касалхонасига элтиб қўйилди. Аммо Баҳодир Ҳотамқулов касалхонада вафот этди. Тезкор гуруҳ қолган жиноятчиларни дарҳол қўлга туширди. Ҳозир ушбу иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Байрамдан байрамгача: «ТУРКИСТОН»НИНГ ХАТИРЧИДАГИ БАЙРАМИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛДИ

ЗАРАФШОННИ ЛОЙЛАТИБ КЕЧГАН...

ЧАВАНДОЗЛАР БОРДИР БУ ЭЛДА! Биз меҳмон бўлган элга шоирдан ўтказиб таъриф бериб бўлмаса керак. Ўтказиб бўлмаса-да, ҳаракат қилиб кўрдик. Бу элнинг одамлари Лангар тоғи чўққиларидек мағрур. Бу элнинг одамлари осмондек бағри кенг. Бу элнинг одамлари асаларидек заҳматкаш. Бу элнинг одамлари Она заминдек сахий. Бу элнинг одамлари Зарафшондек саховатпеша. Бу элнинг одамлари... Айтсанг адоғига етмас фазилатларга эга.

Очиғини айтиш керак. Бугунги иқтисодий қийинчилик кимга ўз ҳукмини ўтказмаяпти. Биз ҳам юмшоқ ва янгироқ улов олишнинг иложини топмадик. Эски бўлса-да, қаттиқ ўриндиқли бўлса-да, борига шукр қилиб кетавердик. Қадрдонлар дийдорига отланган кишига йўл қийинчиликлар нима бўлибди. Ғаллаоролдаги нонушта, Челакдаги тушлик билан, автобусимизнинг Қўқонарава мисоли юришига маҳлиё бўлиб кириб бордик Хатирчига. Айтилганидан уч соат кечикибмиз. Биз бу элнинг халқини бекорга бағри кенг атамадик. Бирор киши бўлсин биздан ўпка-гина қилмади. Офтобда уч соатга яқин кутган бўлсалар ҳам, ўйин-кулги, карнай-сурнай, нон-туз билан кутиб олишди. Одам боласининг одамгарчилиги, саховатпешалиги ҳам шунда-да, ахир.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ туман ўрта таълим мактабларининг битирувчилари билан ўтказилиши режалаштирилган эди. Бахтимизга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳам Орзиматов байрамга вақтлироқ етиб борибди. Мусаввир ва шоира Гулнора Раҳмонова ҳам аллақачон Хатирчида экан. Бу ёқда байрам доврўғини эшитиб хоразмлик ўз мухбиримиз тонг саҳарлаб етиб келибди. Улар туман ҳокими Тоштурди Маманов ҳамроҳлигида «Битирувчи—93» учрашувини бошлаб юборибдилар. Учрашув айни қизиган маҳали залга залворли қадамлар билан Мирзо Улуғбек, ие узр, Зикр Муҳаммаджонов кириб бордилар...

Ана шундан кейин бошланди байрам деганлари.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ туман марказий ўйингоҳига кўчди. Ҳали биз битирувчилар билан дардлашаётган пайтдаёқ ўйингоҳда мухлисларимизнинг катта қисми тўпланиб улгурган эдилар. Уларни мушток қилиб қўймадик. Бир-икки табрик сўзидан кейиноқ «Ижодкор»чилар майдонга тушишди. Шу ерда очиғини айтиш керак. Бир ёғи бозор иқтисоди, балки эътиборсизлигимиздандир, футбол кийимларимизнинг тақчиллиги билиниб қолди. Майдон эса... Футбол юлдузи Марадона бир марта ўйнашни орзу қиладиган даражада қулай экан. Текис ва майин чимини айтинг. Бунақа чимни ҳатто футбол қироли Пеле ҳам тушида кўрмаган. Шунинг учун, эй, бор-ей, дедиг-у, ярмимиз ялангоёқ майдонга тушдик. Бу ҳолат ўйин шарҳловчиси, халқ артисти Зикр ака учун зап мавзу бўлди. «Ижодкор»чилар Хатирчидан «Буюк ялангоёқлар» номи билан қайтишди. Гарчи ўйин мезбонларнинг «Ёшлик» жамоаси фойдасига ҳал бўлган, бизнинг «суянган тоғимиз», миллий кураш бўйича икки марта Ўрта Осиё чемпиони, «моҳир» дарвозабон Шерали полвон Бўронов кетма-кет учта тўп ўтказиб юборган бўлса-да, ҳамма ўйиндан шод бўлди. Гап натижада эмас. Совринда ҳам эмас. (Биз муштарийларимизга газетамизнинг олдинги сонларида хабар қилганимиз, сирли соврин ҳам хатирчиликларда қолди.) Дарвозабонликка биринчи даъвогар, ушбу мақола муаллифларидан бири, хоразмлик ҳамкасбимиз хатирчиликларнинг чиройли ва моҳирона тўп суришларини кўриб, иккинчи бўлимда Шерали полвоннинг ҳолига тушишни истамади. Ким билади, балки ўз обрўсини ўйлагандир...

Томошагоҳда шеър, куй, қўшиқ, рақс кечаси қоронғу тушгунча давом этди. Мухлислар Мавлуда Ойнақулова бошлиқ «Туркистон» ансамбли санъаткорларини узоқ олқишладилар.

КЕЧҚУРУН МУЛОҚОТЛАР кичик давраларга кўчди. Зуҳриддин Файзиев бош бўлган Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги, Абдухолиқ Ҳалимов номли жамоа хўжалиги фаоллари билан бир пиёла чой устида қизғин суҳбатлар давом этди. Улар деҳқончилик учун оғир келган йилдаги кўзлаган режаларини, одамларнинг умидсизликка тушмай, фидокорона меҳнат қилаётганлари ҳақида фахр билан сўзлаб бердилар. Юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга ватанпарварлик меҳнатларини бахшида этаётган бободеҳқонларга кучқувват тиладик.

19 июнь эрталаб халқ ҳаёти билан танишишни Янгиробот деҳқон бозоридан бошладик. Матлубот жамияти раислари Акбарали Ғуломов ва Бахтиёр Боймуродовлар ҳамроҳлигида нарх-наво билан танишдик. Бозор тўкин эди. Мева-чеванинг ҳар тури муҳайё. Нарх-наво ҳам марказдагидан бирмунча арзон. Нархлар пастлигини кашандаларимиз ҳам тан олишди. Яна бир эътиборга молик томони, ҳар қадамда бир чойхона, ошхона, сомсахона. Қозонда бори чўмичга чиқади деганлари шу-да.

ХАТИРЧИДА «ТУРКИСТОН» кунлари шифокорлар байрамига уланиб кетди. Биз Ибн Сино номидаги марказий шифохонанинг серсоя оромгоҳида, шу касб эгалари ҳузурида икки соатга яқин ҳам меҳмон, ҳам мезбон бўлдик. Шоирларимиз шеърлар ўқидилар, хонандаларимиз ўйноқи, дилбар қўшиқлар куйладилар. Зикр ака гоҳо Алишер Навойи, гоҳо Мирзо Улуғбек, гоҳо Ҳусайн Бойқаро қиёфасида олқишларга кўмилди.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ ноиби Тўйчи Қурбонниёзов раҳбарлик қилаётган шифокорлар жамоаси ҳақида илиқ сўзлар айтиш мавруди. Туманда етти ўринда турли тармоқларга ихтисослашган шифохоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда икки юз йигирма беш нафар малакали врач ва минг нафардан зиёд тиббиёт ходими юрт кишилари соғлиғини асрамоқда.

Шифокорлар байрами давом қиларди. Бизни эса, ортиқча ушланиб туришга имкониятимиз ҳам, вақтимиз ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Мезбонлар бизни Ўзбекистон жамоа хўжалиги деҳқонлари кутишаётганини бир неча марта эслатишди.

...Мазкур хўжаликнинг 15-бригадаси дала шийпони дид билан безатилибди. Сервиқор тераклар сояларига сўрилар ўрнатилган. Ҳовуз бўйларидаги ўриндиқлар тирбанд. Уловдан тушибоқ саҳнага таклиф қилишади. Дам суҳбат, дам соз. Дам шеър, дам қўшиқ...

Бу ердаги учрашувимиз ҳам кўнгилдагидек ниҳоя топгандек эди. Аммо «хайрлашувимиз» озгина чўзилди. Учрашувга кечикиброқ келганлар бизни қўйиб юборгилари келмади...

«Бозор иқтисодиёти замонасида марказ театрларининг вилоятларга чиқиши, чекланиб қолди. Чиқимлар ўзини оқламаяпти. Одамлар санъатга, куй-қўшиққа, мана шундай учрашувларга нақадар муштоқ эканликларини кўриб турибмиз. Улар бизни қўйиб юбормаяптилар. Ҳатто чапанироқлари айбни бизга тўнкаб, қойишдан ҳам қайтишмаяпти. Бу учун биз ҳам, улар ҳам айбдор эмас. Бир-биримизни тушунишимиз керак. «Туркистон»чиларнинг қийин шароитларда ҳам, ўз имконлари даражасида эски анъаналарини давом эттириб, халқ ҳузурига, очиқ мулоқотларга чиқаётганларини алқамоқ керак. Бундай учрашувларда биз санъаткорлар ҳамма вақт уларга йўлдош бўлишимиз зарур экан. Сўз — бу мафкура! Қўшиқ — мафкура! Санъат — мафкура! Халқ уни тез қабул қилади. Чамамда, жойлардаги раҳбарлар ва бошқа савобталаб ташкилотлар ана шундай учрашувларга ҳомийликни ўз зиммаларига олишлари керакка, ўхшайди! Уларнинг қойишлари, норозиликларини биз хурсанд бўлиб қабул қилдик. Бу қойишлардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Демак биз халққа керак эканмиз!»

Атоқли санъаткор Зикр Муҳаммаджоновнинг куюнчаклик билан айтган бу сўзлари таскин-тасалли ўрнида. Ихтиёр ўзимизда бўлганида, бошқа жойда кутишмаётган бўлганларида биз кечқурунгача қолиб, муштоқ мухлисларимизга хизмат қилган бўлардик. Таассуфки, бизни Амир Темур жамоа хўжалигида ҳам кутишаётганлар...

Қоқ туш пайтида, ҳарорат ҳаддан зиёд юқори, соя да жон асраш маҳал. Аҳён-аҳёнда эсиб қоладиган шамол ҳам далаларнинг иссиқ ҳоврини келтиради. Шундай пайтда тўпланган минглаб мухлисларимизга тасанно! Катта ҳовуз бўйидаги толлар соясида омонат саҳна ҳозирланган. Тумонат одам йиғилган. Тан олишимиз керак. На Кўкдалада, на Ургутда, на Хивада, на Зафаробдда бир учрашувга бу қадар кўп халқ келганини эслай олмаймиз. Яна ҳаммаси тик турган ҳолда, тандирдек ёндираётган қуёш тиғи остида шеър тингладилар, қўшиқ эшитдилар, рақсга тушдилар. Савол жавоблар бўлди. Икки кунлик чарчоқ унутилган, кайфиятлар баланд, энди уларни биз ташлаб кетолмасдик. Бу хатирчиликлар билан учрашувларнинг гултожи бўлди.

Ниҳоят...

Бу галги учрашувларда «Спорт» рўзномасининг бош муҳаррири Сафар Остонов бошлиқ чарм тўп соҳиблари, қийинчилигу қувончларимизни баҳам кўришди.

Бу галги учрашувларда каттақўрғонлик шарқшунос олим, журналист Мирёқуб Қобулов ўзини эзгу орзусининг биринчи ғиштини қўйди. У байрам ҳақида хабар топгану узоқ йўлдан велосипедда етиб келибди. Тез кунларда Мирёқуб ака ўзининг ана шу уловида муқаддас Ҳаж сафарига отланмоқчи.

Бу галги учрашувларда хушовоз қўшиқчи Мавлуда Ойнақулова бошлиқ «Туркистон» ансамбли санъаткорлари чарчаш нелигини билмай хизмат қилдилар.

Бу галги учрашувларда ёш шоирлар кўпчилик олдида илк бор ўз шеърларидан ўқиб, халққа танилдилар.

Бу галги учрашувларда энг асосийси, улуғ санъаткор Зикр акани яна бир марта кашф этдик. У кишининг одамгарчилигини. Камтарлигини. Соддалигини. Халқ қалбига нақадар яқинлигини. Деҳқон билан деҳқончасига, зиёли билан зиёличасига, раҳбар билан раҳбарчасига гаплаша олишини...

...Кўпгина сафарларимизда юртимизнинг муқаддас қадамжоларини улуғ боболаримиз хоки ётмиш ҳилхоналарни зиёрат қилиш, уларнинг руҳиятларидан мадад олиш анъанага айланган. Бу гал қадим Самарқандга қайтаётиб, ҳазрат Хўжа Исмоил Бухорий бобомизнинг қабрларини тавоб қилдик. Ислом дунёсида тенги йўқ улуғ зот, умрининг қирқ йилини Маккаи Мукаррамада кечириб, пайғамбаримиз ҳақдаги олти юз мингдан ошиқ ҳадис тўплаган ҳазрат Имом Бухорий ҳилхонаси неча асрки мўмин мусулмонларнинг муқаддас саждагоҳларидан бирига айланган. Мустақиллик шарофатидан маънавий маданиятларимизга қайтиш ўлароқ, биз улуғ бобомиз пойи дийдорига қайта мушарраф бўлдик...

Бу галги сафаримиздан яна бир эсда қоладиган жойи ҳамкасбимиз, «Туркистон» муштарийларига жуда қадрдон бўлган таниқли журналист, газетамизнинг Самарқанд — Бухоро — Навойи вилоятларидаги вакили Гули Чеҳранинг бахт тўйига қатнашиб, қувончли дамларига шерик бўлдик. Унга оилавий бахт тиладик...

...Якшанбада ҳали қуёш нури Регистоннинг нилий гумбазларига тушмасдан туриб кўҳна Самарқандни тарк этдик. Ҳар биримизнинг кўнглимизда учрашувлардан қониқиш ва азиз муштарийларимиз ҳузурига, насиб қилса яна қайта ташриф буюриш орзуси йўқ эмасди...

Рўзимбой ҲАСАН,
Ислом ҲАМРО,
Муҳаммад АМИН, (суратлар)
«Туркистон» махсус мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Самимий таклифлари ва беминнат хизматлари учун, муштарийларимиз билан учрашувларимизни ташкил қилишда жонкуярлик қилган Хатирчи тумани ҳокими Тоштурди Маманова, ҳоким муовини Камолиддин Каримбердиевга, туман ёшлари етакчиларига, шунингдек Хатирчининг саховатли, сахий кишилари — Салоҳиддин Солиева, Сайфулло Шомуродова, Искандар Шодиева, Сайдин Шодмонова, ва барча хатирчилик мухлисларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*, С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130. Буюртма Г — 285. 64402 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.15 да